

МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИК ВА УНИ ТАЪМИНЛАШДА АХБОРОТ
СИЁСАТИ МАСАЛАЛАРИ

Мамаджанов Алишер Муратович

Фаргона давлат университети доценти

Аннотация: Ушбу мақолада миллий хавфсизлик ва уни таъминлашда ахборот сиёсати масалалари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: ахборот, глобалфшув, миллий хавфсизлик, таҳдидлар, ахборот хавфсизлиги, ахборот истеъмоли маданияти, ижтимоий барқарорлик, тажовуз, ижтимоий таъсир

Ижтимоий соҳадаги хавфсизлик бевосита аҳоли, унинг ижтимоий гуруҳлари, ҳар бир кишининг ҳаёти, турмуш шароитлари ва даражаси, сифати, иш билан бандлиги, таълим ва соғлиқни сақлаш хизматлари ва уй-жой билан таъминланганлиги билан бевосита боғлиқ бўлганлиги учун ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ижтимоий соҳадаги муаммолар, кишилар ҳаётининг ёмонлашуви билан боғлиқ зиддиятлар, уларнинг ўз вақтидаҳал этилмаслиги оқибатида ижтимоий таҳдидлар кучаяди, мамлакатда ижтимоий-сиёсий беқарорликлар, ларзалар ву жуд га келади.

Мамлакатимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги биринчи навбатда ижтимоий соҳадаги ислохотларимиз самараси билан чамбарчас боғлиқ»[1], деб таъкидлаган. Бу эса ижтимоий соҳани ривожлантириш ва ижтимоий хавфсизликни таъминлаш муаммоларини тадқиқ этишнинг долзарблигидан далолат беради.

Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар доирасида аҳолининг тинч ҳамда осойишта ҳаётини таъминлаш ва жамиятимизда қонунга итоаткорлик шу билан бирга жамоат хавфсизлиги маданиятини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилиб келинмоқда. Жамоат хавфсизлигини таъминлаш йўналишидаги ишларни “Инсон манфаатларига хизмат қилиш” тамойили асосида ташкил этишнинг янги механизм ва тартиблари жорий этилиб, давлат органларининг жамоатчилик тузилмалари билан ўзаро мақсадли ҳамкорлиги йўлга қўйилди.

Миллий хавфсизлик тушунчасини аниқлаш бўйича илмий позицияларни таҳлил қилиш унинг хусусиятларини ажратиб кўрсатишга имкон беради. Биринчидан, бу етарли хавфсизлик ҳолати. Бу ҳолат шахс, жамият ва давлат учун реал ёки потенциал хавф-хатарларнинг мавжуд эмаслигини, шунингдек, бундай давлатни сақлаб қолиш чораларини билдиради, бу эса аҳолида хавфсизлик ҳиссини яратади. Миллий хавфсизликни самарали таъминлаш фуқароларнинг амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган ҳуқуқларини, айниқса, шахсий ҳуқуқларини хавфсизлик ва жамоат осойишталиги шароитида амалга ошириш имконини беради. Бошқача қилиб айтганда, бундай амалга ошириш фуқароларнинг ҳар қандай характердаги таҳдидлар

мавжуд бўлмаганда, яшаш, соғлиғини муҳофаза қилиш, шахсий дахлсизлик, меҳнат қилиш, яшаш жойини эркин танлаш, дам олиш ҳуқуқларини хавфсизлик ва гигиена талабларга жавоб берадиган шароитларда амалга ошириши мумкинлигида намоён бўлади, миллий хавфсизлик умумий ва махсус ваколатли давлат ҳокимияти органлари тизими, шунингдек, нодавлат ноижорат ташкилотлари ва фуқаролар томонидан таъминланади. Шунга кўра, жамоат хавфсизлиги давлат томонидан таъминланади ва кўриқлаш объектларига хавф туғдирадиган вазият юзага келганда, давлат ҳокимиятининг ваколатли органлари бундай хавфларни бартараф этиш учун фавқулодда, алоҳида, вақтинчалик чоралар кўриши керак. Миллий хавфсизликни таъминлаш жамоат тартиби мавжуд бўлганда энг самарали бўлади. Ўтказилган таҳлиллар шуни кўрсатадики, барқарор жамоат тартибини таъминламасдан туриб, аҳоли хавфсизлигини сифатли таъминлаш мумкин эмас.

Миллий хавфсизликни таъминлаш, албатта, муайян меъёрлар тизими билан тартибга солинади. Бу белги аҳолини ноқонуний тажовузлардан, турли таҳдидлардан ҳимоя қилиш қонун устуворлиги асосида амалга оширилади далолат беради. Шуни таъкидлаш керакки, қонун нормалари фавқулодда вазиятларда миллий хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги муҳим миқдордаги жамоат муносабатларини тартибга солиди, хусусан: инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари, фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги хатти-ҳаракатларининг чегаралари, жисмоний ва юридик шахсларнинг хавфсизлигини таъминлашга қаратилган муайян ҳаракатларни амалга ошириш бўйича вақтинчалик мажбуриятларини белгилайди, ноқонуний хатти-ҳаракатлар турларини белгилайди, яъни фақат қонун нормалари жамоат хавфсизлигига, ҳам оддий ҳаёт шароитида, ҳам фавқулодда вазиятларда хавфсизликка тажовуз қилувчи хатти-ҳаракатларнинг тўлиқ рўйхатини белгилайди. Шахс, жамият ва давлатнинг ҳаётий манфаатларини амалга оширишдан келиб чиқадиган ижтимоий муносабатларнинг мавжудлиги, улар ижтимоий имтиёзлар, конституциявий тузум, жамоат тартиби, шахсий дахлсизлик, мулк ва бошқаларни ўз ичига олади.

Шундай қилиб, миллий хавфсизлик тушунчасига оид илмий позицияларнинг юқоридаги таҳлили ва кўрсатилган белгилар "миллий хавфсизлик деганда шахс, жамият ва давлатнинг ҳаётий манфаатларини тўсқинликсиз рўёбга чиқаришни таъминлашга, потенциал ёки реал хавф туғдирувчи шарт-шароитлар ва омилларнинг олдини олишга, маҳаллийлаштиришга ва бартараф этишга қаратилган ижтимоий муносабатларни етарли даражада ҳимоя қилиш ҳолати тушунилиши керак. Бу уларнинг мавжудлигига асос бўлиб хизмат қилади ҳамда умумий ва махсус ваколатли давлат органлари тизими, давлат ва нодавлат ташкилотлари ҳамда фуқаролар фаолияти натижасида эришилади.

Умуман олганда миллий хавфсизлик – шахсни, жамиятни ва давлатни ички ва ташқи таҳдидлардан ҳимоя қилинганлиги ҳолати тушунилади, бу эса фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари, эркинликлари, муносиб турмуш даражаси ва сифатини,

Ўзбекистон Республикасининг яхлитлиги ва барқарор ривожланиши, давлатнинг мудофааси ва хавфсизлиги, суверенитетини, ҳудудий манфаатларини таъминлашга имкон беради. Шу билан бирга, илмий адабиётларда миллий хавфсизлик жамоат, давлат ва шахсий хавфсизлик билан бир қаторда ажралиб турадиган ва миллатнинг конституциявий ва бошқа қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳолати сифатида қараладиган нуқтаи назарни топиш мумкин, жисмоний ва юридик шахсларнинг табиий ёки техноген экологик омилларнинг қонуний ҳаракатларининг ушбу манфаатларга зарар етказиш эҳтимоли билан боғлиқ бўлмаганлиги, ушбу экологик омилларнинг пайдо бўлишини аниқлаш ёки ривожланишини шунингдек ҳуқуқбузарликлар ва ҳуқуқий ҳодисалар бўлмаганидан иборат бўлган ҳуқуқий нормалар йиғиндиси.

Давлат ва жамоат хавфсизлиги соҳасида миллий хавфсизликка таҳдидларнинг асосий манбалари, хусусан, Ўзбекистон Республикаси хавфсизлигига зарар етказишга қаратилган шахсларнинг фаолияти, террористик ташкилотлар, гуруҳлар ва шахсларнинг Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумининг асосларини мажбуран ўзгартиришга, давлат органларининг нормал фаолиятини бузишга қаратилган фаолияти, миллий, диний, этник ва бошқа ташкилотлар ва тузилмаларнинг Ўзбекистон Республикасининг бирлиги ва ҳудудий яхлитлигини бузишга, мамлакатдаги ички сиёсий ва ижтимоий вазиятни беқарорлаштиришга қаратилган экстремистик фаолиятини тушуниш мумкин.

Миллий хавфсизликни таъминлаш (давлат томонидан жамиятни таҳдидлардан ҳимоя қилиш учун белгиладиган ҳамда доимий равишда такомиллаштириб бориладиган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа комплекс ташкилий чора-тадбирларни қамраб олувчи яхлит тизим)[2] ҳуқуқий тартибга солишнинг сифат жиҳатидан янги босқичига кўтарилди, яъни у “идоравий ҳуқуқий тартибга солиш” деган қарашда намо ён бўла ётган қобикдан чиқди, давлат бошқаруви органи жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича ваколатли субъектларнинг ҳаракатларини самарали амалга ошириш, муайян ҳудудда жисмоний ва юридик шахсларга нисбатан чеклаш чораларини қўллаш имконини берадиган жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича махсус чора-тадбирларга “муҳтожлик” сезмоқда, фаолият тегишли даражадаги хавфсизликни, хусусан, жамоат хавфсизлигини таъминлаш зарурлигини белгиладиган объектлар ва ҳудудлар тобора кўпайиб бормоқда. Аҳоли хавфсизлигининг тегишли даражасини таъминлаш уларнинг барқарор фаолият кўрсатиши учун шарт-шароитларни яратишга ёрдам беради, фавқулодда вазиятларда жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича ваколатли органлар томонидан қўлланиладиган чора-тадбирлар, бу давлат томонидан қўлланиладиган тегишли маъмурий-ҳуқуқий чора-тадбирлар ҳисобланади.

Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган эркин бозор иқтисодиётига асосланадиган демократик, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қаратилган демократик жараёнлар кўп миллатли мамлакатимизда миллий хавфсизликни таъминлашнинг бутун ҳолатини қайта идрок этишни, бу соҳада

йиғилиб қолган муаммоларни янгича тафаккур асосида чуқур назарий мушоҳада этиш ва ҳал этишни амалий механизмларини такомиллаштиришни талаб қилмоқда.

Жамият демократлашуви шароитида миллий хавфсизлик масалаларининг долзарблалуви – миллий сиёсат, миллий онг ва психология, миллий тил ва маданият, миллий ўзликни англаш ва миллий туйғуларни ўзида ифодалайдиган миллий муносабатларнинг ҳам ривожланиши демакдир. Миллий муносабатлар ижтимоий муносабатларнинг ажралмас қисмидир. Шунинг учун ҳам, миллий муносабатларда нафақат ижтимоий ҳаётнинг иқтисодий, сиёсий, маданий-маънавий ва бошқа соҳаларида рўй бераётган демократик ўзгаришлар, амалга оширилаётган ислохотлар, балки мавжуд қийинчиликлари, зиддиятлари ҳам ўз аксини топиши табиийдир.

Миллий хавфсизликни таъминлашда миллий муносабатлар миллий масала бўйича миллий бирлик субъектларининг ички алоқаларида намоён бўлувчи жамиятдаги муносабатлар шакли бўлиб, бу йўналишда асосий урғу муайян кўп миллатли давлатда ички миллий ҳамкорликка эришишга қаратилган бўлади. Миллий муносабатлар тизимида ижтимоий, маданий, сиёсий, этник, ҳуқуқий аспектлар мавжуд бўлади. Шунингдек, миллий муносабатлар турли даражада – давлатлараро ва давлат ичидаги, муайян миллатлар ичидаги ва миллатлараро кўринишда (яъни, кўп миллатли давлат доирасидаги миллий бирликлар ўртасидаги муносабат кўринишида), жамият ва шахслараро кўринишда мавжуд бўлади ва ривожланади[3].

С.Ғафуров фикрича, бир ҳолда “миллат” тушунчаси одамларнинг тарихий бирлиги билан, бошқа ҳолда эса “давлат” тушунчаси билан ва тегишлича, “миллий” сўзи – “давлатга оид” сўзлари билан айнанлаштирилади[4].

Э.Кадоури фикрича, “миллийлик” давлат мустақиллигини қўлга киритган пайтидан эмас, балки кўпроқ унда муайян жамият ва яшаш ҳудудига содиқлик ва мансубликка асосланган ижтимоий-этник бирлик ҳисси туғилган, яъни миллат юзага келган пайтдан бошланади[5].

Фикримизча, “миллий” тушунчасининг маъно-мазмуни объектив воқелик билан боғлиқ бўлиб, унда иккита асосий муҳим белги-этник ва давлатчилик белгиси акс этади. Миллий мустақиллик Ўзбекистоннинг миллий қайта тикланиши ва давлатчиликнинг ривожлантириш учун зарурий шароитларни юзага келтирди ҳамда мамлакатимизда яшаётган барча миллат ва элатларнинг миллий эҳтиёжларни қондиришга кенг имкониятлар яратиб бермоқда. Ўзбекистонликлар мустақилликни олий қадрият сифатида эъзозлашади, ўз навбатида, миллатлараро тотувлик мустақилликнинг асосий бойлиги ҳисобланади.

Маълумки, миллий муносабатлар асосини миллий манфаатлар ташкил қилади. Миллий манфаат - муайян халқни турмуш тарзини яхшилаш, ўз суверенитетини англаш, бошқа халқлар билан дўстона муносабатларни ўрнатишга қаратилган халқлар фаолияти ва эҳтиёжларни ўзига хослигидир.

Жамият демократлашуви онгнинг хусусан, унинг шаклларида бири бўлган миллий онгнинг ўзгариши, жамиятда бўлаётган янгиланиш ва ўзгаришларни онгли

равишда идрок этиши ва жараёнларда фаоллигини эътиборга олинади. Э.Юсупов “...миллий онг оддий ҳис, туйғу эмас, балки муайян ахлоқий, ҳуқуқий, илмий, мафкуравий асосланган эътиқоддир”, деб таърифлаб, миллий онг моҳияти, мазмунини миллат ўз-ўзини англаш даражасига боғлиқлигини тушунтириб беради[6]. Туленов Ж. эса, миллий онгга миллий маданиятнинг таркиби қисми сифатида қараб: “...миллий онг миллий маданиятнинг миллий манфаати билан, миллат истиқболи билан, тараққиёт билан боғлиқ бўлган муаммоларнинг инсон онгидаги ифодасидир”, деб ҳисоблаган[7].

Бизнинг фикримизча, жамият демократлашуви шароитида янгилашиш ва ўзгаришлар жараёнининг инсон онгида акс этиши ва тараққиёт талабларига мос равишда ривожланиши, инсоннинг муайян этник гуруҳга мансублигини идрок этиши, унинг истиқболи ва келажаги учун қайғуриши билан боғлиқ фикрлари, ғоялари ва уларнинг амалий фаолиятида намоён бўлиши миллий онгдир.

Миллий муносабатлар тизимида миллий тил масаласи муҳим ўрин эгаллайди. Бу масала айниқса, кўп миллатли таркибга эга Ўзбекистон учун ҳам муҳим аҳамиятлидир. Миллий тилларни эркин ривожланиши шароит яратиш билан биргаликда, миллий бирликлар ўртасида давлат тили сифатида ўзбек тили мулоқот тили сифатида фойдаланилаётгани қувонарли ҳолатдир.

Давлат тили мақомидаги ўзбек тили мамлакатда тинчлик ва барқарорликка, миллатлараро ва фуқаролар тотувлигига эришиш ва уларни мустақамлашда кишиларнинг ахлоқий ва сиёсий бирлашувига ёрдам берувчи муҳим ижтимоий ва ижтимоий-руҳий омил ҳисобланади.

Ўз навбатида, бугунги кунда Ўзбекистонда рус тилига давлат тили мақомини бериш тўғрисидаги ижтимоий тармоқларда пайдо бўлаётган ва ҳатто, петиция учун имзо тўплаётганларга нисбатан давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ўз нуқтаи назарларини билдиришлари лозим. Бизнинг фикримизча, бу жараёнларни ортида “учинчи кучлар” мавжуд бўлиб, дунёвий гегемонлик учун қатъий курашга киришган етакчи давлатларни геосиёсий мақсадларини амалга оширишга қаратилган бўлиб, мамлакатимизда ички сиёсий беқарорлик ва турли миллатлар ўртасида зиддиятларни пайдо бўлишига олиб келади. Бундай ҳолатларни келиб чиқиш сабаблари ўрганилиши ва тегишли чоралар кўрилиши лозим.

Миллий ўзликни англаш - миллат маънавий тараққиёт даражаси мазмуни, ўзига хослигини тавсифловчи ижтимоий, ахлоқий, сиёсий, иқтисодий, эстетик, диний, фалсафий қарашларини ўзига хослиги кўринишидаги муносабатлар мажмуаси. Миллий ўзликни англаш илмий-сиёсий тус олса ва ижтимоий ҳаракат учун қўлланма даражасига кўтарилса, миллий мафкурага айланади. Шу билан бирга, миллий мафкура миллий манфаатларини ҳимоя қилувчи асосий қурол бўлиб намоён бўлади. Мутахассисларнинг фикрича, миллий ўзликни англаш миллий онгнинг ривожланишидаги янги юксак даражаси сифатида қаралади[8].

Миллий ўзликни англаш шароитида миллий манфаатларни ўрганиш ҳамда назарий жиҳатдан тадқиқ этиш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бу борада қатор илмий изланишлар амалга ошириш заруриятини келтириб чиқаради[9]. Фикримизча, бу заруратлар миллий давлатларнинг сиёсий, иқтисодий-ижтимоий ҳаёт соҳаларини миллий хавфсизликни мустаҳкамлаш эҳтиёжларидан шаклланади ҳамда миллий сиёсатни демократик принциплар асосида амалга ошириш, шу билан биргаликда миллий хавфсизликка таҳдид солиши мумкин бўлган миллий, диний асосдаги зиддиятлар олдини олишнинг ҳуқуқий, сиёсий, ижтимоий, маънавий чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш масаласини кун тартибига қўяди.

Фикримизча, миллий ўзликни англаш жараёнларига эътиборсизлик ёхуд ноҳолис ёндашув четда турган ёт кучларга ўз геосиёсий мақсадларини амалга оширишда барқарорликни парчаловчи дастак сифатида салбий мазмундаги миллатчилик омилидан фойдаланишлари мумкин. Шунинг учун ҳам, кўпгина олимлар миллатчиликка ўз миллатини ва унинг манфаатларини худбинлик заминидан мутлоқлаштириш йўлида бошқа миллатларнинг манфаатлари билан ҳисоблашмайдиган, уларни камситиб, ижтимоий адолатсизликлар туғдирадиган иллат сифатида талқин этишган[10].

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2018 йил 28 декабрь. // «Халқ сўзи», 2018 йил 29 декабрь
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-27-сон Фармон 1-илоvasи.
3. Моисеев Н.Н. Цивилизация на переломе. Пути России. М., 1996; Социология межнациональных отношений. М., 1996; Россия: социальная ситуация и межнациональные отношения в регионах. М., 1996 ва б.
4. Гафуров С.М. Хавфсизлик стратегияси: Марказий Осиё республикалари ва Форс кўрφαзи араб давлатлари амалиёти. – Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг нашриёти, 2007. Б.12.
5. Kedourie E. Nationalism.- Cambridge, MA:Blackwell, 1994. – P.5- 8.
- Юсупов Э. Инсон камолотининг маънавий асослари.-Т.: “Университет”, 1998. –Б. 32.
6. Юсупов Э. Инсон камолотининг маънавий асослари.-Т.: “Университет”, 1998. –Б. 32.
7. Туленов Ж. Қадриятлар фалсафаси.- Т.: “Ўзбекистон”, 1998. –Б. 32.
8. Хажиева М. Онгда толерантлик ривожланишининг негизлари.- Т.: “Fan va texnologiya”, 2010. –Б. 124.

9. Человек и культура межнационального общения (под ред. Шермухамедова С.).-Т.:Узбекистан, 1995.

10. Юсупов Э., Туленов Ж., Гофуров З. Миллий масала бўйича фалсафий суҳбатлар.-Т.:”Фан”, 1990. –Б. 59.